

**Жиноят кодексининг 8-моддасига мувофиқ, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.**

Жиноят ишлари бўйича Хонқа тумани судининг 2010 йил 11 ноябрдаги ҳукмига кўра, С. ва Б.нинг ҳар иккиси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а,в» бандлари билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 14 январдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С. ва Б. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир қилганликда айбли деб топилган.

С. ва Б. шу иш бўйича судланган Н. раҳбарлик қилган уюшган гуруҳга аъзо бўлиб, ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида фаолият олиб бориб, Хонқа ва Боғот туманлари ҳамда Урганч шаҳрида яшовчи, «Матиз», «Дамас», «Нексия» ва «Ласетти» русумли янги автомашина сотиб олишни хоҳлаган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган автосалонлардан халқаро пластик карточкаси орқали ҳисоб-китоб қилинадиган автомашиналарни сўмга сотиб олиб беришни ваъда қилиб, уларни алдаб ва ишончларини суиистеъмол қилиб, 2009 йил октябрь ойидан 2010 йил апрель ойигача бўлган даврда жуда кўп миқдордаги мулкларини ва мулкка бўлган ҳуқуқларини қўлга киритганлар.

С. ва Б. уюшган гуруҳ раҳбари Н. билан биргаликда учта ҳолатда фуқароларга янги автомашина сотиб олиб беришни ваъда қилиб, уларнинг ишончига кириб, 59.000.000 сўмлик мулкларини қўлга киритганлар.

Бундан ташқари С. Н.нинг раҳбарлигида, 17 та ҳолатда фуқароларга янги автомашина олиб беришни ваъда қилиб, уларнинг ишончига кириб, 266.000.000 сўмлик мулкларини қўлга киритганлар.

Шунингдек, Б. Н.нинг раҳбарлигида 13 та ҳолатда фуқароларга янги автомашина олиб беришни ваъда қилиб, уларнинг ишончига кириб, 186.100.000 сўмлик мулкларини қўлга киритганлар.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, С. ва Б.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, уларнинг жиноий ҳаракатларини тўғри квалификация қилган.

Жиноят кодексининг 8-моддасида айбдорларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ижтимоий хавфлилик даражасига эътибор қаратилиши назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «**Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида**»ги қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазонинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (Жиноят кодексининг 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланиши, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари жиноят содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги билан белгиланиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ жиноят иши бўйича мазкур қонун ҳамда Пленум қарорлари тушунтиришларига амал қилинмаган.

Суд С. ва Б. га жазо тайинлашда уларнинг айбларига қисман иқдорликларини, қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонликларини, муқаддам

судланмаганликларини, оилавий аҳволларини, қарамоғларида вояга етмаган фарзандлари борлигини, яшаш жойларидан ижобий тавсифланганликларини, жиноят иштирокчилари орасидаги ролларини, жиноятни очишдаги фаол иштирокларини, шунингдек, етказилган зарар қисман қопланганлигини асос қилиб, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, Н. раҳбарлигидаги уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлар оқибатида етказилган 555.600.000 сўмлик моддий зарарнинг аксарият қисми - 297.400.000 сўм қопланмаган, С. ва Б. айбларига қисман иқрорлик билдиришган.

Жабрланувчилар судда уюшган гуруҳ аъзолари томонидан етказилган зарар қопланмаганлиги сабабли уларга нисбатан қилмишларига яраша жазо тайинлашни сўрашган.

Бироқ суд С. ва Б. томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланмаганлигини, жабрланувчиларнинг жазо хусусида билдирган фикрларини инобатга олмасдан С. ва Б.га нисбатан қилмишларига номувофиқ жазо тайинлаган.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмининг санкциясида 3 йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган бўлса-да, суд судланувчиларга нисбатан аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашда Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб хатога йўл қўйган.

Апелляция инстанцияси суднинг хатоларини эътибордан четда қолдирган.

Жиноят процессуал кодексининг 484-моддаси 4-қисмида Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланганлиги суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши кўрсатилган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 9 июндаги ажрими билан С. ва Б.га нисбатан чиқарилган суд қарорларининг жазо

тайинлаш ҳақидаги қисми бекор қилиниб, ишнинг шу қисми Жиноят процессуал кодексининг 414-моддаси тартибида янгидан судда кўриб чиқиш учун юборилди.

Жиноят иши янгидан судда кўрилиб, Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а,в” бандлари билан С.га 7 йил, Б.га 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, улар суд залидан қамокқа олинди.

***Назорат иши ЖСХ-129-11***